# МУДРОҚ ФИКРЛАРИМНИ УЙҒОТДИ

## Мавлоно Озод Шарафиддиновга мактуб

Ассалому алайкум!

Кўпдан буён Сизга аталган соғинчли саломимни қабул қилгайсиз. Биз жанобингиз билан шахсан таниш бўлмасак-да, САГУдаги талабалик йилларимиз бир даврга тўғри келган, фақат факултетларимиз бошқа эди. Андижонга, 1994 йилмиди, Ҳожиакбар Шайхов билан келганингизда бирга бўлганман. Биламан, мухлисларингиздан кўплаб хат оласиз. Дўстларингиз ҳам кўп, ихлосмандларингиз ҳамин қадар. Расул Ҳамзатов айтганидек, мен ҳам ўшалардан бириман, аммо уларнинг сардориман, дегим келади.

«Тафаккур» журналининг янги сонидаги «Экология ва маданият» номли мақолангиз хат ёзишимга сабаб бўлди. (Дарвоқеъ, ўша сонда каминанинг ҳам Бобур ҳақидаги мақоласи босилган экан). Курраи заминимизни хўб ўхшатибсиз. Ҳа, гўё 6,5 миллиард йўловчиси бор «Титаник»! Муз тоғи томон сузаяпмиз-у, йўловчилар, айтганингиздек, беғам-беташвиш. Ҳолбуки...

Мақолангизда билдирилган ташвишли ҳаётимиз ҳақидаги сергак мулоҳазаларингиз қўлимга қалам тутқазди. Кечагина кузатиб қўйганимиз XX асрга япон муаллифи берган таъриф орқали ўзингизнинг муносабатингизни ифода қилганингиз бу ноёб асрнинг ташвишини оғир маънавий юк сифатида Сиздек инсоннинг кўтариб юргани камина учун ҳам фахрдир. Виждони уйғоқ зиёли сифатида XX аср ташвишини глобал маънода кўтариб, бошқаларнинг ҳам бу ҳақдаги мудроқ фикрларини уйғотаётганингиз барчамиз фахрланса арзийдиган сифатларингиздандир.

Кўп умидлар билан кутиб олганимиз — янги XXI аср турқи-таровватидан безовталанаётганингизга ҳам шерикман. Сизнинг безовталигингиз дунёнинг ҳозирги йўналишини илмий далиллар билан ўрганиб, илмий асосларга суяниб айтаётган жаҳон олимлари фикрига эшдир. Сиз тўғри ёзганингиздек, минтақамизда экологик бузилишнинг Орол муаммосида кўринаётганига ўхшаш мудҳиш аҳвол йўқ! Одамларимиз эса, «ўзининг кундалик ташвишлари билан овора».

Энди, ҳурматли Озод ака, Орол фожиаси муносабати билан бу ҳақда мен ҳам билганларимни ёзай. Дарҳақиқат, XX аср ўрталаридан Сибир дарёлари сувидан бир қисмини Ўрта Осиёга — Оролга буриш муаммоси бир гуруҳ инженер-ирригаторлар хаёлини банд қилган эди — эни 20 метрли иккита параллел канал қазиш лойиҳалаштирилди. 60-йиллари бу ҳақда кўп ёзилди. Камина академиянинг Тарих институтида устоз Яҳё Ғуломов раҳбарлигида суғориш тарихи билан машғул эдим, binобарин, менга ҳам бу мавзу яқин эди. Ҳафтада бир ўтадиган одатдаги «сиёсатхонлик» соатида Сибир дарёларидан Оролга сув келтириш ҳақида илмий ходимларга мен ҳам 30 минутли ахборот берганман. Айтмоқчиманки, ирригация тарихи билан шуғулланаётган биз — ёш илмий ходимлар хаёлини ўшанда бу муаммо қамраб олган эди.

1965 йили СССР ҳукуматида раҳбар алмашиб Оролга Сибир дарёларидан сув келтириш муаммоси ҳақидаги гап-сўз тўхтаб қолди. 70-йиллар бошига келиб БАМ масаласи кўтарилди ва Оролга сув келтиришга сарфланадиган катта маблағ мана шу қурилишга сарфланишини ёқлайдиган овозлар «тарози палласини босиб» кетди. Бу ҳақда «Литературная газета»да кўп мақолалар босилгани ёдимда. Худди ўша йиллари А.Ананьев, В.Астафьев, В.Белов, В.Распутин каби ўша даврнинг нуфузли ёзувчи-шоирлари ва бир қанча олимлар Сиёсий бюрога хат ёзишиб, агар Сибир дарёлари сувидан бир қисми Ўрта Осиёга бурилса, оқибат-натижада Шимолий муз океанида глобал иқлим мувозанати бузилиши мумкин, деган мулоҳазани айтишибди, деган гап тарқалди. Оқибат, Сиз тўғри ёзганингиздек, бу лойиҳага қарши жамоатчилик фикрини уйғотдилар. Шу билан Орол ҳақида иттифоқ миқёсида айтилаётган гаплар сувга отилган мушакдек ўчиб — жимиб кетди ва бир вақтнинг ўзида БАМ қурилишига старт берилди. Миллиардлаб сўмлар бу катта қурилишга сарфланди.

Ҳурматли Озод ака, каминанинг бу ахборотларида ноқислик бўлиши мумкин. Аммо менинг тушунчам шундайки, — ҳозир ҳам шундай дегим келади, — агар БАМ бўлмаганида, нуфузли рус қалам аҳли бунга қарши чиқмаганида сув муаммоси ҳал бўладиган эди. Нега мен шундай деб ҳисоблаяпман? Бунинг сабаби: биринчидан, мен ўша йиллари «СредАЗГипроводхлопок» номли жуда нуфузли илмий-лойиҳалаш институти архивида (Чорсудаги ҳозирги 6 қаватли бино) ирригация тарихи бўйича ҳужжат тўплаб юрганимда шу институтнинг Саркисян, Бинязминович каби казо-казолари (улар Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича катта мукофотга сазовор бўлганлар) Сув муаммосининг ҳал бўлаётганига йирик мутахассислар сифатида ишонч ҳосил қилган эдилар. Иккинчидан, Президентимиз Ислом Каримов энг нуфузли халқаро минбарлардан туриб бу муаммога жаҳон жамоатчилиги эътиборини кўп бор қаратдилар. Орол фожиаси фақат бир давлат, бир минтақага дахлдор эмаслигини кўп бор уқтирдилар. Оролни қутқариш, табиий ҳалокат оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳар хил минтақавий ва халқаро қўмиталар тузилди. Бу саъй-ҳаракатларни бундан буён ҳам изчиллик билан давом эттиришимиз керак.

Мақолангизнинг менга завқ берган яна битта томони маданият масаласидир. Ниҳоятда тўғри гап: Ўзбекистонимиз Шарқда қадимий маданиятга эга бўлган ўлка. Бу ҳақиқат дунёда тан олинган. Фикрингизга тўла қўшиламан — миллий маданиятлар сақланмоғи лозим. Маданиятларнинг бойлиги ва турфа хиллиги ҳаётнинг кўрки, «Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир».

Лекин Озод ака, мана шу турфа хил миллий маданиятимизни кўз қорачиғидек асраш, ёшлар шуурига муттасил равишда сингдириш ва келажак авлодларимизга етказиб беришда жорий этилган тадбирлар механизми бизда мукаммалми? ***«Ҳозир баъзи ёшлар ўртасида ўз миллий қадриятларига эътибор бермай, бутунлай Ғарбга ўгирилиб кетиш ҳоллари»***га ҳозиргина мен айтган тадбирлар механизмининг номукаммал экани сабаб эмасми? Ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун ўзимиз гувоҳ бўлаётган ғоявий хуружларга *«қарши оммавий ахборот воситаларимиз мунтазам кураш олиб бориши зарур»*, дейилган мақолангизда. Шу жойда ахборот воситаларимизни андак танқид ҳам қилгансиз. Мен эса қаттиқроқ айтган бўлардимки, оммавий ахборот воситаларимиз, телеканалларимиз, хусусий радио тармоқлари («Олтин водий», «Олтин замин» ва ҳоказолар) Сиз назарда тутган масалада бепарволик, сустлик қилишмоқда. Сабаби — миллий маданиятимиз, анъаналаримизни турли бало-қазолардан асровчи тадбирлар механизми, — мени мазур тутинг, — бизда кўнгилдагидек ишламаяпти. Ахир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган кун — 14 феврални кўпчилик ёшларимиз билмагани, уни «Севишганлар куни», деб аташи мана шунинг оқибати эмасми?

Мустақиллик даврида димиққан уйларимиз ҳавосини тозалаш учун деразаларимизни Ғарб томонга очиб қўйдик, аммо, менингча, «иҳота пардалари» тутмадик. Натижада шамол-шабада билан бирга чанг-тўзон, бадбўй ҳаво ҳам хоналаримизга кириб келди. Бунда мен мақолангизда келтирилган ахлоқни бузадиган шафқатсизликни, беодоблигу шаҳвоний ҳисларни уйғотувчи бемаза кинокўрсатувларни, танасини яланғоч кўрсатадиган «кийимлар»ни, мутлақо сурбутсиз «шеър»ларга ўзгалардан ўғирлик қилиб басталанган ва ижро этилаётган куй-қўшиқларни назарда тутаяпман. Ҳозир шунгача бориб етдики, ўқувчиларнинг 12 варақли сифатсизгина дафтарига ўшандай беҳаё суратлар солиниб, ҳар бири 100 сўмдан сотилмоқда. Булар ўрнига, ҳар доим тилга олаётганимиз улуғ боболаримиз, миллий либослар кийган лобар қизларимиз суратлари туширилса бўлмайдими, дегинг келади. Сиз тўғри ёзганингиздек, шарқона дунёқараш Ғарб эркинлигининг баъзи ножўя томонларини қабул қилолмайди. Биз — ўзбекларнинг маънавиятимиз жуда бой. Энг оддий мисол: биронта оила «Супурги қимматлашиб кетди», деб ҳовлиси-ю, кўчасини супурмай қўйган эмас. Бир кило гўшт олмай супурги сотиб олиб, эрталаб қарасанг, қизларимизу келинларимиз дарвоза олдиларини супуриб тозалаётганини кўрасиз. Бу — маънавиятимиз бойлигидан нишона. АҚШга — дарс айтгани борганимда Индиана университети шаҳарчасида шим қолиб «шўртик», ёки ўта калта юбка кийиб юрган қизларга кўзим тушди. Бу ҳолат улар маънавиятининг намоён бўлишидир. Аммо биз буни асло қабул қилолмаймиз.

Ҳурматли Озод ака, ажойиб мақолангиз билан каминадаги мудроқ фикрларни уйғотганингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Мақолангизни бағрикенглик билан чоп этгани учун «Тафаккур» таҳририяти, шахсан бош муҳарририга ҳам ташаккур айтаман.

**Эҳтиром ила Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ,**
**Бобур номидаги Андижон давлат университети фахрий профессори**

**Муҳтарам Сайфиддин ака!**

**Мактубингизни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Фақат бир нарса мени таажжубга солди: Сиз баъзи ўринларда гўё биз мутлақо бир-биримизни танимайдигандек мулоҳаза юритибсиз. Ҳолбуки, Сиз билан Андижонда кўп марталаб учрашганмиз, ғоятда қизиқарли гурунглар қурганмиз. Андижонлик зиёлилар даврасида ўтказган суҳбатларимизни ҳали-ҳануз марoқ билан эслаб тураман.**

**Энди масаланинг моҳиятига ўтайлик. Маданиятимиз, мафкурамиз, маънавиятимизнинг бугунги аҳволини мен эмас, муҳтарам Президентимиз Олий Мажлисдаги сўнгги маърузаларида кўтариб чиққан эди. Президент ҳозирги шароитда мафкуравий кураш кучайиб бораётганини уқдириб, бу ишда ўзбек зиёлиларини фаолликка даъват қилган эдилар. Менинг мақолам шу даъватга жавоб тариқасида туғилган.**

**Мактубингизнинг менга таъсир қилган жиҳати шу бўлдики, маданиятимизни кўз қорачиғидек асраш масаласи бугун энг долзарб масалалардан бирига айланаяпти. Энг қувонарлиси шундаки, ўзбек зиёлилари ичида бу масалада Сиздек жонкуярлик билан ташвиш чекаётган ва фикр юритаётган одамлар кўп экан. Дарҳақиқат, масала ғоятда жиддий. Уни кўпчиликлашиб фикрлаб чиқилса яхши бўлар эди. Сайфиддин ака! Мактубингиз учун яна бир карра миннатдорман. Ўйлайманки, у бошқаларда ҳам муҳим фикрлар уйғотишга қодир.**

**Андижонни соғиндим. Андижонлик дўстлар даврасини соғиндим. Шоядки, соғлиғим яхшиланиб, менга яна бир марта бу гўзал диёрнинг муаттар ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш насиб этса. Андижонлик дўстларга салом.**

**Камоли эҳтиром билан:**

**Озод. 15.04.05**

# АСКИЯ — ЭРКАКЛАР ҲАММОМИ ЭМАС



Аския ҳозиржавоблик мусобақаси, сўз ўйини, фикрлар кураши, ўзига хос танқиддир. Бунда она тилимизнинг бой хазинасидан, айниқса, сўз ўйинларидан — кочирим, кесатиқ, пичинг, лоф ва муболағалардан оқилона фойдаланилади. У том маънода халқимиз ҳаётини ва ахлоқини акс эттиради.

Аскияда андиша бўлмоғи лозим. Бу аскиячилар зиммасидаги катта масъулиятдир. Айтишувчиларнинг маданий-маърифий савияси, дунёқарашининг кенглиги ҳамда ҳозиржавоблиги пайровларда қўл келади. Пайровларда ўзига хос одобга қатъий риоя қилиш, одоб чегарасидан чиқиб кетмаслик лозим.

Таомилга кўра, аския аниқ бир мавзуга, масалан боғдорчилик, ашулачилик, гулчилик кабиларга бағишланади ҳамда анъанага қатъий амал қилинади. Мавзудан четга чиқиш эса уни сафсатага айлантириб, яроқсиз ҳолга келтириши мумкин. Аския шунчаки кўнгилхушлик эмас, у томошабинни фикрлаш ва камчиликларни тугатишга даъват этиши керак.

Пайровлар «Гулмисиз, сумбулмисиз, райҳонмисиз?» ёки «Ўхшатдим», ёхуд муболаға ва лоф каби шаклларида бўлиши мумкин. Буларда ҳам турмуш тарзимиздаги камчиликлар танқид, ҳажв остига олинади.

Мана, гулчилик пайровидан бир мисол. Айтишув Ғанижон Тошматов билан Жўрахон Султонов ўртасида бўлиб ўтган ва унда ароқхўр киши нишонга олинган.

*Ғанижон: — Жўрахон ака!*

*Жўрахон: — Лаббай!*

*Ғанижон: — Сизга қойил қолдим. Жуда ҳам миришкор гулчи экансиз, атиргулдан тортиб гулираъногача парвариш қилибсиз-ку, лекин ёнингиздаги новча гулга яхши қарамабсиз-да. Қип-қизариб кетибди-ю, тузуккина очилмабди.*

*Жўрахон: — Ғанижон ука! Сиз бу гулга ажабланманг. Бу сувни керагидан ортиқча ичади. Аммо лекин тузуккина очилмайди, бўлгани шу. Ахир, одамлар бекорга «Гултожихўроз», дейишмайди-да.*

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, баъзилар оғзиларига келган одобга зид, пардасиз сўзлар билан аскиялашади. Натижада отахон адибимиз Саид Аҳмад айтганидай, «Аския — эркакларнинг ҳаммоми»га айланади. Аския мухлисларининг орасида аёллар ҳам борлигини ҳисобга олсак, бундай ҳол учун киши хижолат тортади.

Қизиқчилар Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевлар бекорга аскияни кулгига олишмаган. Негаки, кейинги пайтда аския ўта суюлиб кетди. Айрим пайровларда кулгининг асари ҳам кўринмайди. Тўртта одам чиқиб олиб, олдиндан ёдланган сўзларни тўтиқушдай такрорлаб тураверади.

Машҳур аскиячилар марғилонлик Мамат бува Сатторов (лақаби Мулла ака), қўқонлик Эркақори Каримов, Амин бува Турсунов (лақаби Ижроқўм бува), фарғоналик Жўрахон Султонов, Акбарқори Ҳайдаров, Ғанижон Тошматов, тошкентлик Зиёҳофиз ва Икром ҳофиз, Расулқори Мамадалиев, Абдулҳаймахсум Қозоқов ва Расулжон Муҳаммадиев каби кулги дарғалари ҳеч қачон аскияни ёдлаб олиб айтишмаган бўлса керак. Уларнинг пайровлари бугунгидай уят-андиша чегарасидан чиқиб кетадиган эмасди. Нозик қочиримлар бўларди холос.

### Шахсий мулоҳазалар

Урушдан кейинги йилларда, маҳалладошларимиздан бирининг тўйида бўлган аскиябозлик ҳамон ёдимда. Базмда одамлар кўп, аскиячилар ҳам анчагина. Ўртадаги сўрида марғилонлик машҳур аскиячи Мамат бува ўтирардилар. Аския мева пайрови ҳақида эди. Аскиячилар отага сўз отишар, ота эса, пайров одоби ва қоидаси асосида қисқа, лекин қаттиқ кулги уйғотадиган жавоб қиларди. Шу пайтда ширакайф бир киши худди «хўл косовдай» ўзининг беҳаё аскияси билан орага суқулди. Лекин кулги бўлмади, аксинча кўпчилик ранжиб қолди.

Ўшанда Мамат бува, «Сиз аслида бунақа демоқчи эмасдингиз-у, аммо бехосдан шу нарса оғзингизга келиб қолди-да-а», деганча нозик танбеҳ билан у кишини тартибга чақирган эди.

Биз юқорида номларини қайд этган буюк санъаткорлар ўзларининг закийона аскиялари ҳамда пайровлари билан халқимизга шодлик улашишдан ташқари, оёғимизга тушов бўлаётган камчиликларни ҳам очиб, баъзи бир такасалтанг ва лаганбардорларни аёвсиз танқид остига олишган.

Сўнгги йилларда халқимиз орасидан янги, ёш ва ҳозиржавоб қизиқчи, аскиячилар етишиб чиқаётир. Бироз бўлса-да, сустлашиб қолган бўшлиқни иқтидорли ёшлар тўлдирмоқда. Уларда изланиш бор. Бироқ табиийлик ўрнини сунъийлик, ҳис-ҳаяжонсиз саҳна кўринишлари эгаллаб бормоқдаки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу ҳолат халқимиз санъатининг ноёб дурдонаси бўлган аскияга соя ташлаб, унинг қадрини тушириб қўймоқда.

Балки мен, ёши тўқсондан ўтган, кексалик гаштини сураётган қария ноўрин таъна қилаётгандирман. Аммо асрлар мобайнида шаклланиб келган аския санъати шаънини авайлаб сақлаш бугунги авлоднинг ҳам муқаддас бурчи эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

**Зайниддин ИСАМУХАМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи**

# ГАП СОВҒАДАМИ?

### Акс-садо

Газетанинг шу йил 11 март сонида эълон қилинган «Биз уларга ҳавас қилардик», деб номланган мақола қўлимга қалам тутишга ундади.

Муаллим шоирнинг ҳам, олимнинг ҳам, деҳқону тижоратчининг ҳам қўлига қалам тутган, қалбига илм нуқраларини, дилига Ватан туйғусини жо этган муҳтарам зотдир. Игна билан қудуқ қазишдек машаққатли, аммо шарафли касбнинг фидойиси.

Аммо улар орасида қўштирноқ ичидаги ўқитувчиларнинг ҳам борлиги шундай улуғ касбнинг обрўсига гоҳида соя ташлаб туради. Совға-саломда ҳам меъёр бўлгани яхши. Байрамларда ўқитувчига чиройли гулдаста ёки яхши китоб совға қилишнинг ёмон жойи йўқ. Аммо халқимизда, «тилаб олинган иззат — ўлимдан ёмон», деган гап бор.

Бир байрам олдидан устозларимиздан бири безовталаниб қолди, сабабини суриштирсам, «Ўқувчиларим яхшироқ совға келтирган бўлишсин-да. Агар совғалари мундайроқ бўлса, қўшниларим олдида уялиб қоламан», деб жавоб берди.

Эҳ, менинг содда устозим. Наҳотки сиз, мурғак қалбларнинг чин юракдан инъом этган совғаларини мундайроқ деб ҳисобласангиз?

Биламан, сиз таъмагир эмассиз, аммо бугун илдиз отиб кетган зоҳиран ҳурматга ўхшайдиган миннатли совға-саломга нисбатан лоқайдсиз.

Ўз шогирдига берган илми ва ҳунари учун ҳеч нарса таъма қилмаган одамгина устозлик мартабасига лойиқдир. Бугунги кун ўқитувчиси буни доим ёдида тутиши лозим. Ўқитувчилик осон касб эмас. Ўқитувчи ҳар томонлама комилликка интилмоғи, ўқувчилар олдида ўзининг ожиз томонларини кўрсатиб қўймаслиги керак.

Тижоратчи ўқитувчиларни мен ўз касбини чин юракдан ҳис қиладиган устозлар дея олмайман. Чин устоз ўз ўқувчисига ҳеч қачон ароқ ёки сигарета сотмайди.

**Гулбаҳор ҲУСЕНОВА,**
**ўқитувчи**

## ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!



**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги улар иштирокини кучайтириш, аёлни эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида, оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида**

# «АЁЛ ОМОН БЎЛСА...»

номли хотин-қизлар ҳаёти, ижоди, фаолияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилаётган ишлари ҳақида матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг ҳаёти, орзу ва интилишлари, ижодий сафарлари, тадбиркорлик, фан, адабиёт, таълим, санъат ва бошқа турли соҳаларда меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилади.

***Кўрик-танлов ғолиблари рўйхати 2005 йил 27 июн — Ўзбекистон матбуот ваоммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида эълон қилинади.***

**Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар Қўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

***Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:***
***700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.***
***Тел/факс: (998-71) 139-40-12,***
***139-40-42,***
***41-58-64***

**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси**

# ОИЛА МУҚАДДАС

Оила муҳитининг гўзаллиги аввало аёлга, унинг иқтидори, бекалик ва оналик салоҳиятининг юксаклигига боғлиқ. Агар аёл маънавий жиҳатдан баркамол бўлса, унинг фарзандлари ҳам жамиятнинг илғор шахсларига айланади. Чунки фарзандга бериладиган тарбия она руҳияти, унинг гўзаллигидан куч олади.

Бу борада аёлларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, уларнинг маданий дам олишларини ташкил этиш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси шу мақсадда кенг миқёсда маърифий ва маданий ишларни амалга оширмоқда.

19 апрел куни Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилган италян драматурги Алехандро Кассонанинг «Дарахтлар тик туриб жон беради» спектаклига қўмита ташаббуси билан маҳаллаларнинг тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллари таклиф этилди. Оила муқаддаслигини, инсоний ришталар учун меҳр-муҳаббат муҳимлигини яна бир бор англатувчи бу асар оила баркамоллиги учун масъул бўлган мутасаддиларда чуқур таассурот қолдирди.

**Аброр УМАРОВ,**
**талаба**

# ХОТИРА КЕЧАСИ

**Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,**
**Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар.**
**Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар,**
**Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...**

Ушбу оташ мисралар ўзбек адабиётининг ифтихори, академик Ойбек қаламига мансубдир. Ойбек номи тилга олинганда ҳар бир китобхон кўз ўнгида қоя узра нафис чайқалиб турган бир туп наъматак гавдаланса эҳтимол...

Бу йил ана шундай ўлмас асарлар яратган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудига 100 йил тўлди. Адиб туғилган санага бағишланган тадбир ҳар йили Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида кўтаринки руҳда ўтказилади. Куни кеча институтнинг анжуманлар саройида ўтган шундай тадбир икки қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисм «Ойбек ижодига бир назар» деб номланиб, унда дастлаб филология фанлари докторлари, профессорлар Собир Мирвалиев, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров ҳамда таниқли шоира Ҳалима Худойбердиева сўзга чиқишиб, ёзувчи ҳақидаги хотираларини ўртоқлашдилар. Иккинчи қисмда институт талабалари ижросида Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларидан ва «Ойбек замондошлари нигоҳида» номли саҳнавий кўринишлар намойиш этишди. Шунингдек, кечада санъаткорлар Маҳмуджон Тожибоев, Оролмирзо Сафаров, Аҳмаджон Дадаев ҳамда Ҳуррият Исроилова ажойиб куй-қўшиқлар ва рақслар ижро этдилар. Тадбирни институт «Режиссура» кафедраси катта ўқитувчиси Ҳусан Мирпўлатов саҳналаштирди.

**Наргиза АСАТОВА,**
**талаба**

# Конференцияга марҳамат!

***Ангрен шаҳридаги Тошкент вилоят давлат педагогика институти «Ойбек — ўзбек халқининг буюк мутафаккири» мавзуида ўтказиладиган Республика илмий-амалий конференциясига таклиф қилади.***

Конференцияда Ойбек шеъриятининг аксарият жиҳатлари, насрий асарлари, улардаги миллий ўзига хослик, тарихийлик, психологик тасвир билан боғлиқ масалалар, адибнинг адабиётшунослик фаолияти, маҳоратли таржимон сифатидаги ижодий ишлари, она тилимизнинг софлиги учун чеккан заҳматларига бағишланган илмий маърузалар режалаштирилган.

Конференция ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Маъруза матнларини 2005 йилнинг 10 майига қадар икки нусхада, дискетада тақдим этиш лозим. Матн 5-7 бет ҳажмида, 1,5 интервалда компьютернинг Microsoft Word муҳаррири Bodo uzb ёки Times new Roman шрифтида ёзилган бўлиши керак.

***Иштирокчилардан қуйидаги маълумотлар сўралади: муаллифнинг исм-фамилияси, илмий даражаси, иш жойи, яшаш манзили, телефони, факси, e-mail.***

Барча талабларга жавоб берадиган матнлар конференциягача тўплам ҳолида чоп этилиши режалаштирилган.

***Қўшимча маълумотлар учун Илмий бўлимга мурожаат қилишингиз мумкин:***

**702512, Ангрен шаҳри, 48-даҳа, 1-«В» уй,**
**Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг ахборот бўлими.**

**Тел: (8- 371-66) 2-24-89, 2-25-17. Факс 2-25-17.**
**E-mail: admin@tvdpi. Uzpak.uz.**

# «ЎзАС» калейдоскопи

### СЕРВАНТЕСДАН ҚОЛГАН МЕРОС

Валядолияда Испания қиролининг қизи малика Кристина «Дон Кихот» асари ёзилган, айни вақтда таъмирланиб асл ҳолати тикланган буюк ёзувчи Сервантеснинг уйини тантанали тарзда очиб берди.

Бу уйда 1603-1605 йилларда Сервантес ўзининг ўлмас асари «Дон Кихот»ни яратган экан. Яқинда ушбу романнинг 400 йиллиги нишонланади. Эндиликда уй нафақат музей, балки маданий марказ ҳам бўлиб, бу ерда Сервантес ижодини ўрганиш билан ҳам шуғулланиш мумкин.

Испания маданият вазири Кармен Калвонинг айтишича, май ойида Тобосса шаҳридаги «Дулсинея музейи» ҳам таъмирдан чиқарилади. Бу уйда XVI асрда Дон Кихот маъшуқасининг прототипи бўлган аёл, доня Ана Мартинес Сарко де Моралес яшаган.

### ОРЗУНИНГ РЎЁБИ

Ривожланаётган рокнинг тирик афсонаси, бастакор Рик Уэйкман Кубада ўзининг яккахон концертини намойиш этди. Кубада концерт бериш унинг йигирма йиллик орзуси экан.

«Фолья» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, концерт олдидан уюштирилган матбуот анжуманида, «Ривожланаётган рок ёки арт-рок менга мусиқада эркин фикрлаш имконини беради», деган британиялик рок фахрийси.

Эслатиб ўтамиз, Рик Уэйкман шон-шуҳрат чўққисини ўтган асрнинг етмишинчи йилларида забт этган бўлиб, янги мусиқий йўналишга асосланган «Yes» гуруҳига асос солган эди.

### КУЙЛОВЧИ ТРАМВАЙ

Краков бўйлаб рок-н-рол қўшиқчиси Элвис Пресли қўшиқларини куйловчи трамвайлар сайр қилмоқда. Краков транспорт бошқармаси бошлиғи Владислав Тиранскийнинг айтишича, шаҳар жамоат транспорти ходимлари шу йўл билан йўловчилар кўнглини овлаш ниятида.

Айни вақтда Полшанинг қадимий пойтахти Краковда баҳор ҳукмрон, сайёҳлар кўпайган. Куйловчи трамвайларнинг аниқ маршрути белгиланмаган. Қаёққа йўл олишни йўловчилар ҳал қилади. Рок-н-рол қироли Элвис Пресли мухлислари бундан мамнунликларини билдиришди.

### ФАЗОДА «МОНА ЛИЗА» БИЛАН

Астронавт Роберти Виттори халқаро космик станцияга кичик қуён ҳайкалчасини олиб кетиш учун мутасаддилардан рухсат олди. «Буни менга ўн саккиз йил аввал рафиқам ҳадя қилганди. Шундан буён биргамиз», дейди у.

Космосга астронавтларнинг ул-бул нарса олиб кетишлари янгилик эмас. Витторининг қуёнидан олдинроқ буюк рассом Леонардо да Винчининг «Мона Лиза»си фазони сайр қилган бўлса, халқаро космик станцияга уюштирилган ўн биринчи экспедиция командири Сергей Криколев севимли актёри Кирилл Лавров суратини, бортинженер, америкалик Жон Филлипс эса рафиқасининг никоҳ узугини фазога олиб чиққан эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

Азим СУЮН

# ИШҚ ОСМОНЛАРИ

*ЗОМИНТОҒДА*

*Такали чўққида турибман чошгоҳ,*
*Тоғсоя бағрида ўйнар кийиклар.*
*Қийқириб қўяди ногоҳ-баногоҳ*
*Тиниқ кўкда бургут — кўзи қийиқлар.*

*Шуълалар рақс тушар — қуюқ арчазор —*
*Яшил ўрмонзорнинг ораларида.*
*Йилқилар уюри ўтлар беозор*
*Ўриклисой қири, даралрида.*

*Бири-бири билан баҳслашган янглиғ*
*Какликлар ҳар ёнда тўлиб сайрашар.*
*Қайда бўлса агар бир кўнгли мунглиғ*
*Иймоним комилки, бунда яйрашар!*

*Урилиб-сурилиб тошлардан тошга,*
*Илк оёқлаган қўзичоқлардай,*
*Ёлдор қояларни тутиб қуёшга*
*Ўйноқлаб, шарқираб оқар Зоминсой.*

*Эй, Ўзбекюртимнинг тилло гўшаси —*
*Зоминтоғ, нақадар гўзалсан, гўзал!*
*Мени қучиб олар илҳом париси,*
*Сенинг қучоғингга келганда ҳар гал!*

*«КЎРДИМКИ...»*

*Кўрдимки, саҳрода,*
*бир олишувда,*
*Кучли рақибидан енгилди илон.*
*Бечора жароҳат*
*олди-ю шунда,*
*Яшаб кетмоғига қолмади гумон.*

*Судралди, изланди... нажот қаёқдан?*
*Ҳа, малҳам топди у битта қиёқдан!*

*Кўрдимки, тоғларда,*
*чала мерганга*
*дуч келиб ярадор бўлган оҳуни.*
*Шўрлигим, ўрмалар*
*баланд-баландга,*
*Бир сирли нажот бор — қутқарар уни.*

*Сирли қолдимикин одам — балодан?*
*Ҳа, малҳам топди у сир — мўмиёдан!*

*О, осмон борми ишқ*
*осмонларидай,*
*Унда не юлдузлар бедору бемор.*
*Мен-да табиатнинг*
*жонлиқларидай*
*Ишқинг оташидан ярадор, эй ёр!*

*Ич десанг ичурман, Аллоҳга қасам,*
*Ёлғиз сен жонимга бўлурсан малҳам!*

*БУ ҚИЗ*

*Ҳай-ҳай, бу қиз қомати Сирдарё қамишидан,*
*Кўзлари ранг олмишдир Форишнинг кишмишидан.*

*Сўх чашмасин сувидан юзларин тиниқлиги,*
*Боботоғ кийигидан шўх кийик қилиқлиги.*

*Зармитан қатиғи-ла кампирпошшо — момоси,*
*Сочларин ювиб қўйган, шундан унинг жилоси.*

*Лабларининг оллиги Паркентнинг гилосидан,*
*Дуркунлиги Зоминтоғ — арчазор ҳавосидан.*

*Мироқининг марварид тутидан тишлари — оқ,*
*Осиё офтобидан пешонаси ярқироқ.*

*Ким билмагай Бахмалнинг қирмизи олмасини,*
*Кўксида олиб юрар иккита донасини.*

*Тили — Оқтоғ асали, чиқар илон инидан,*
*Вале чимдим қўшилган Кўқон қалампиридан.*

*Отасидан — садоқат, онасидан — вафоси,*
*Шоир Азимга бордек фақат бироз жафоси.*

*ОШИҚЛИК*

*Сиз ошиқсиз булбул каби чаманзорга,*
*Биз ошиқмиз чаманзорга кўнгли ёрга.*

*Сиз ошиқсиз чаманзорнинг лоласига,*
*Биз ошиқмиз ул лоланинг воласига.*

*Чаманзорга бўйларингиз хўб ярашиқ,*
*Биз паналаб ортингиздан юрган ошиқ.*

*Лолаларни бағрингизга босасиз сиз,*
*Биз билмаймиз қайси лола, қайси бу қиз.*

*Йўлимиз бир, ҳайратимиз бошқа-бошқа,*
*Сиз лолага термуласиз, биз-чи қошга...*

*Қошларингиз қоп-қорадир, қоп-қорадир.*
*Биз қараймиз, қарамайсиз, дил порадир.*

*Аммо-лекин барчасини биламиз биз,*
*Шоир Азим ошиқлигин биласиз сиз.*

*Сиз ошиқсиз булбул каби чаманзорга,*
*Биз ошиқмиз чаманзорга кўнгли ёрга.*

*КЕЛИНЧАГИМ*

*Бир сулувни севган эдим куйиб-ёниб,*
*Биттасига тегиб кетди мендан тониб.*
*Анча бўлди, эсламайман бевафони,*
*Бир бошимга солган эди кўп жафони.*
*Бугун уйда тебратади беланчагин, —*
*Ота-онам олиб берган келинчагим.*

*Ёшлик экан, чиройига учибман мен,*
*Давраларда белларидан қучибман мен.*
*Қарашмаю нозларига минг инониб,*
*Ўйнатибман тоғлар томон олиб бориб.*
*Боғларимда бугун яшнар ҳур чечагим, —*
*Ота-онам олиб берган келинчагим.*

*Бу гапларни аламидан айтар деманг,*
*Илк севгани қайтса агар, қайтар деманг.*
*Куйган кўнгил кул бўлгайдир, айтмагайдир,*
*Қафасидан қутилган қуш қайтмагайдир.*
*Бугун уйда тебратади беланчагин, —*
*Ота-онам олиб берган келинчагим.*

*О, гоҳ фақат кўкламнинг илк кечалари,*
*Эсга тушиб қолар шўхлик нечалари.*
*Шунда Азим бир тебраниб кулиб қўяр,*
*Келинчагин ундан ортиқ суйиб қўяр.*
*Боғларимда бугун яшнар ҳур чечагим, —*
*Ота-онам олиб берган келинчагим.*

*ҚОРАТОҒ ВА ОҚТОҒ*
*ВОҲАСИДАН ЎТАЁТГАНДА*

*Кеч кузак ёмғири шивалар бедоғ.*
*Ёлғизоёқ сўқмоқ. Кетмоқдаман жим.*



*Бир ёним Қоратоғ, бир ёним Оқтоғ,*
*Ҳеч кимса йўқ, ҳеч ким.*

*Нақадар дилгирман. Йўл ёқасида*
*Чўккан туялардек қўш туясингир.*
*Мангулик лаҳза бор шувоқ исида,*
*Кўнглим суймай суяр.*

*Янтоқлар тикани ўтмас ва юмшоқ,*
*Ўйнаб бораяпман лабим учида.*
*Бу воҳа бунчалар маҳзун ва қашшоқ,*
*Бир олам тусида.*

*Ҳадемай тун чўкар. Олдин қоронғу.*
*О, энди ёмғир ҳам савалай бошлар.*
*Қоратоғ қоронғу, Оқтоғ қоронғу.*
*Қоронғу қир-даштлар.*

*Наҳотки йитгум қоронғулик ичра,*
*Наҳотки ялт этмас бир чақноқ юлдуз.*
*Наҳот бу дунё борар кичрайиб,*
*Шунча кичикми Куз?*

# КЎНГИЛ БЕРИНГ



*Кўрганингда юрак тушса титроқларга,*
*Банди айлаб кўнгилларни фироқларга.*
*Олса майли хаёлларни йироқларга,*
*Кўнгил беринг, тулпор минган йигитларга.*

*Сўзи сўздай, тоғлардайин матонати,*
*Алпомишдир лол қолгудек жасорати.*
*Жўмарддир у, кечирмагай хиёнатни,*
*Кўнгил беринг, тулпор минган йигитларга.*

*Ёлғон, рўё сўзларига ишонманг сиз,*
*Ўзингизни мағрур тутинг, чўкмангиз тиз.*
*Севиб қолса арзигулик минг битта қиз —*
*Кўнгил беринг, тулпор минган йигитларга.*

*Осмондаги ойни гарчи ваъда қилмас,*
*Самодаги юлдузларни сизга термас.*
*Севар, суяр, ўзгаларга асло бермас,*
*Кўнгил беринг, тулпор минган йигитларга.*

*Фаҳш ва макр ботқоғига ботмайди у,*
*Ориятин милёнларга сотмайди у.*
*Ёри қолиб, ёт қўйнида ётмайди у,*
*Кўнгил беринг, тулпор минган йигитларга.*

Маҳфуза ҚОБИЛЖОН қизи

Нормурод НОРҚОБИЛОВ

# ДАШТДА

ҲИКОЯ



Эна ер муштлаб қарғанади.

— Бундан кўра ўша даштда жондор еб кетса бўлмасмиди сени! Ерди камгинаси тортибгина кетса бўлмасмиди! Не деган гап бу, ҳалитдан хотин кишининг этагига тирмашиб. Кимга тортдинг ўзи сен! Не деган одам бўлдик! Не деб қишлоқда бош кўтариб юрамиз энди! Ҳали отанг келса, нима дейди. Ўлдирибгина қўяди-ку сени...

Гирди тошдан кўтарилган пастак супа лабида чимирилиб ўтирган Бердимурод, қаншари остидан энасига хўмрайиб боқади. Ич-ичидан ҳайқирмоқ истайди: «Етар энди!» Бироқ нимадир халақит беради. Ҳайқирмоқдан кўра, ичдан эзилишни маъқул топгандай, чурқ этмайди. Бунга сари, энанинг фиғони кўкка ўрлайди. Яккаш саннайди. Ётиғи билан сўраб-суриштиришни хаёлига келтирмайди. Суриштирган тақдирдаям, қайсар ўғлидан тайинли бир жавоб олиши қийин. Кеча оқшом даштдан юз-кўзини кўкартириб қайтганда ҳам бир сўз демаган, йигитчиликда, дея қўя қолган. Не гаплиги эса тонгда аён бўлди: кеча ўғли даштда нотаниш бир келинчакка ёпишган экан, хешлари ўласи қилиб уриб кетишибди.

Бердимурод жиғибийрон бўлаётган энасидан кўзини олиб, молларини подага қўшиш баҳонасида майдон четига йиғилаётган эркаклару, кўча юзидаги аёлларга боқаркан, ҳовлиси теварагi девор билан ўралмаганидан ўкинди. Девор яхши-да, бегона кўздан асрайди. Ундай деса, бу қишлоқда деворли ҳовлининг ўзи йўқ. Дўнг бетига бетартиб тушган қишлоқ хонадонларида не сир, не синоат — бари ҳамманинг кўз ўнгида.

Яширмоқнинг ҳеч иложи йўқ.

Йигитнинг аламнок нигоҳи эркаклар орасида кўҳна, нимдошгина тўнига ўраниб, бамисоли мусичадай қунишиб турган Сувонқулга тушгачгина миш-мишни ким тарқатганини англагандай бўлди. Ўрнидан ирғиб турганини билмай қолди.

— Бари ёлғон! — дея ҳайқириб юборди.

Чўчиб тушган энанинг кўзларида умид учқунланди.

— Сен бола, мани адо қиласан, — деди ҳиқиллаб.

— Сизни адо қиладиган ҳеч бир иш қилганим йўқ! — дея чўрт кесди Бердимурод. — Кўп жаврамай, хуржунни ҳозирланг! Кетдим мен подага.

— Чой...

— Раҳмат, тоза чой ичгандай қилдингиз!

— Ахир мен... — Эна узун енги билан кўзёшларини артди. — Ичим куйиб кетаяпти-да, болам. Кимга ишонай?

— Ана, уларга ишонинг! — Йигит зарда ила одамларга ишора қиларкан, деди: — Инсон боласига қайишганим шу бўлсин! Менга деса... ўлиб кетмайдими бари!

Бердимурод кейинги гапини қасам йўсинида қатъий таъкидларкан, юрагида улкан бир ўпирилиш юзага келганини сезди. Тугун тортган панжалари бўшашиб, қомати алланечук шалвираб тушди. Оёқларини судраб босиб, айвон томон юрди. У ердан сиртига қалин намат сирилган кўзачани олиб, челакдан унга сув қуйди. У қаддини ростлаганда, қир бошидан қуёш мўралай бошлаганди. Одатдагидек, у бу манзарага бефарқ қараёлмади, маҳлиё бўлгандек бир зум термулиб қолди.

Тонгги нурларни у азалдан яхши кўради. Айниқса, албон рангга кирган ўркачли қир чўққиларига кўзи тушганида, ҳаяжондан қалтираб кетади. Ва жисми тушуниксиз ажиб бир қувватга тўлиб, бутун оламни қучгиси, ўша қувватни эса кутилмаган бир ишларга сарфлагиси келади. Отаси Собир полвоннинг айтишича, бу эрлик, яъни корлик ҳисси эмиш, йигит киши мана шу туйғуси билан гўзал саналармиш. Кейинги пайтларда у тез-тез мана шу туйғу етовига тушиб қолмоқда эди. Бироқ қишлоқда, хотинларнинг жанжалини демаса, фавқулодда ҳодисалар камдан-кам юз берарди. Тўйдаги курашларда эса ҳозирча у ўзини итнинг орқа оёғи деб билади. Негаки, товоқнинг олди чўнг полвонларда кетиб, у тенгқурлари қатори кичик совринлар билан кифояланишга мажбур эди. Қишлоқ обрўйини сақлаб қолишдек корлик ҳисси эса катта полвонларнинг оёғи остида топталиб кетаётгандек эди.

Бироқ яқинда корликнинг ғаройиб лаззатини тотмоққа ниҳоят эришди. Эслаcа, ҳануз ҳузур қилади. Ўшанда баданидаги оғриқлар ўта ёқимли туюлиб, ўзини етмиш еттинчи осмонда ҳис қилганди. Ёқмагани, оппоқ юзли қизнинг меҳрибончилиги бўлган. Қизнинг «укажон»лашидан роса энсаси қотган. Қиздан у миннатдорчилик истамаганди. Қиз эса, «укажон»лаши етмагандек, юмшоқ бармоқлари билан шишган, қизарган ёноқларини силаб-сийпалаган. Шунда у ўзини бола сезган. Билаклари ингичка, бўйи пастак туюлган. Ҳолбуки, у бўйчан, пишиқ ва бақувватгина йигит эди. Ўн саккиздан эндигина хатлаган бўлса-да, унда йигирма ёшли йигитнинг туси ва келбати бор эди. Чапдастлиги туфайли қизга тирғалган Бозорорти маҳалласининг безориси саналмиш Адҳам дарозни чекинишга мажбур этганди...

У сув тўла кўзачани супа лабидаги хуржун ёнига қўяркан, қашқани эгарлашни унутганини эслади. Отни эгарлаш ҳамиша унинг анчагина вақтини олади. Бу юмушни бошқаларга ўхшаб ўлда-жўлда эмас, алоҳида иштиёқ билан адо этарди.

У шу юмушни бажариш ниятида от томон юраркан, кечаги воқеа эсига тушиб, уни бу қадар эъзозга арзимайди деган қарорга келди. Қашқадан ёмон кўнгли қолганди. Жонивор доимо нозик пайтда панд бериб қўярди. Сирасини айтганда, Қашқа у орзулаган от эмасди. Худди кечагидай, оппоқ юзли қиз воқеасида ҳам уни хижолатга солганди. Адҳам дарозни қочириб, бозор четидаги саройдан Қашқани етаклаб чиқаркан, томошага йиғилганлар кўз ўнгида отда керилиб кетмоқни ўйлаганди. Буни қарангки, одамлар ҳам худди шуни исташган экан, дастлабки лаҳзадаёқ бунинг акс-садосини илғади.

— Ўзи зўр йигит экану, минган оти бўмабди.

— Вой, ипирисқи-ий, Адҳам дарозга бас келди-я!

— Ҳозир оти мункийди. Ана, айтмадим-ми...

— Эшакдан ҳам хароб экан.

— Даланинг боласи-да, чайир. Анову дароз уч қўрга чидаёлмай, дарров тили осилиб қолди.

Ўшанда Қашқа туфайли, у бозор майдонини боши эгик ҳолда тарк этганди. Аммо ғолиб эмасми, ўзича кейин қирчанғини кечирганди. Унинг беўхшов қилиқлари ҳақида ортиқ ўйламай қўйганди.

Буни қарангки, кеча у тағин панд берди.

Даштда нотаниш келинчакни кузатиб бораркан, оқшом бу иши учун жувоннинг хешларидан боплаб калтак ейишини хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда эгарда алплардек мағрур ўтирарди. Ёмон тили туфайли эридан насибасини олиб, қишлоғига аразлаб кетаётган келинчакнинг ҳадикли қарашларини сезмас, қилаётган бу ишидан масрур ҳолда борарди. Ахир, йигирма одимча олдин пилдираб кетаётган ожизага паноҳ эди-да. У бор экан, бийдек бу даштда ҳеч кимса унга даҳл қилолмайди-да.

Бердимурод кўзларини узоқ-узоқларга қадаб, отда гердайиб бораркан, кутилмаганда ярамас қирчанғи мункиб кетса бўладими. Йигитнинг хаёли бошидан учиб, кўм-кўк майсалар устига гурсиллаб тушди. Келинчакнинг олдида ўзини шармисор ҳис этди. Аламидан йиғлаш даражасига етди. Бир ўйи, уялганидан, изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Бироқ келинчакни ёлғиз ташлаб кетишга кўнгли бўлмади. Отига қайта ўтириб, келинчакнинг ортидан йўлга тушаркан, салдан сўнг хижолати хиёл аригандай бўлди. Назарида, ҳозирги иши ортиқча майда-чуйдаларга ўрин бермасди. Боз устига, табиат, худди унинг кўнглидан андоза олгандек, ғоят фусункор эди. Артилган шишадек тип-тиниқ осмонда оҳиста сузиб юрган бир парча оппоқ булутни демаса, теварак, қўйингки, бутун борлиқ ям-яшил тусда эди. Бу яшиллик кунчиқишдаги қир бетига сочилган подани ўз бағрига сингдириб, ҳализамон ютиб юборадигандек эди. Ўз навбатида, қаровсиз қолаётган айни шу пода йигитнинг кўнглига андак хавотир солиб турарди. Унинг йўл-йўлакай пода томонга бот-бот қараб қўйиши шундан эди.

Йигит учун пода бамисоли бир кишан эди. Бу кишандан қутулмоқнинг эса ҳозирча ҳеч бир иложи йўқ. Ёз бошигача бир амаллаб чидаши, сўнг ҳозир хуржуни тубида олиб юрган дарсликларини жамадонга жойлаб, шаҳарга, ўқишга жўнамоғи лозим эди. Хаёлида олдинда уни улуғ ишлар кутар, бу улуғ ишларга эса фақат дарсликлар орқалигина етмоғи мумкин эди. Аммо дарсликлар шу қадар бадига ургандики, зада кўнгли кутилмаган ҳодисаларни қўмсарди. Қани энди, лоақал подага бўри ораласа-ю, у жонига теккан китобларни бир четга улоқтириб, йиртқичларга қарши ҳужумга ўтса, ёки... бу ёғи энди фақат хаёл. Чексиз-чегарасиз ширин хаёллар...



Кеча бийдек даштда ёлғиз ўзи кетаётган келинчакка кўзи тушганида ҳам худди шу каби тотли хаёллар оғушида қир бетида ёнбошлаб ётарди. Эгнидаги қирмизи либоси қуёш нурида ял-ял товланганча, жадал одимлаётган келинчакка аввалига лоқайд тикилди. Кейин у кўзлаган манзилни тусмоллагач, ҳушёр тортди. Жувон қора тортган қишлоқ узоқда, оралиқда эса хавфли жарлик кўнданг ётарди. Бундан ҳам ёмони, бўйдоқ чўпон-чўлиқларнинг учраши эди. Ўтган ойда шунга ўхшаш кўнгилсиз воқеа содир бўлиб, сурони ҳанузгача тинмаган.

Йигит келинчакни мавҳум тажовуздан қизғанди. Ўрнидан сакраб туриб, оти томон юрганини сезмай қолди. Бироқ илтифотини қай тарзда ифода этишни билмай, бир зум тараддудланди. Негаки, дашт аёлларининг аксарияти ҳуркак келади, ҳаракатини ҳар хил англаши мумкин. Шунда унинг эсига болалигида кечган бир воқеа лоп этиб тушди. Туманли ҳавода энаси иккиси эшакда қўшни қишлоқдан қайтишаётганида, даланинг ўртасида қаршиларидан чақмоқ телпагини қошига бостирган, тунд қиёфали бир отлиқ чиққан. Отлиқ улар ёнидан индамай ўтаркан, бироздан сўнг ортига қайтган. Оралиқда ўн беш-йигирма одимча масофа сақлаб, уларни қишлоққача кузатиб келган. Энаси алқашга улгурмай, отини шартта изига буриб, туман орасида кўздан ғойиб бўлган.

Бердимурод келинчакнинг ортидан тушаркан, худди ўша суворийдек иш тутди. Сўз қотгудек бўлса, ҳаракатининг сир-синоати йўқоладигандек туюлади. Ахир туманда учраган отлиқ сукути боис, унинг хотирасида ҳозиргача сақланиб қолган. Фақат келинчакнинг жонсараклaнишигина бу ҳузурбахш лаҳзага соя ташлаб турарди. Эсида, бошда энаси ҳам нотаниш суворийдан жуда қўрққан, сўнг мақсадини англагач, хотиржам тортган. Келинчак эса сира тинчланай демасди, аланг-жаланг қарагани-қараган эди. Ундаги безовталикни пайқаган йигит, хавотирланманг, сизга ҳеч ёмонлигим йўқ, жардан ўтказиб қўяман, холос, дегиси келди-ю, демади. Нечундир дегиси келмади. Сўнг кечга яқин уч отлиқ тўсатдан бостириб келиб, олатасир уриб кетишганда ҳам ўзини оқлаб ўтирмади. Очиғи, отлиқлар оғиз очиргани қўйишмади, ҳали сенми, синглимизни қўрқитадиган, дея боплаб савалаб кетишди...

Бердимурод Қашқани эгарларкан, майдонга йиғилган халойиқ ўзини зимдан кузатаётганини фаҳмлади. Афти калтакдан бежалган йигитни кимдир эрмак, кимдир ачиниш билан томоша қиларди. Негаки, бу каби воқеалар қишлоқда фавқулодда ҳодиса саналиб, «қаҳрамон» анчагача кишилар назарида бўлади. Чуваладиган гапларни-ку қўяверасиз...

У одамларнинг қарашларидан ғижиниб, юзини отнинг панасига олди. Кейин саркашлиги қўзиб, қаддини ростлади ва кўзи эчкиларини олдига солиб келаётган бўйчангина қизга тушгач, сергак тортди. У қизга беэътибор эмасди. Қиз ҳам буни сезарди шекилли, боқишлари бошқачароқ эди. Аммо ҳозир у жуда тажанг қиёфада эди. Эчкиларини подага қўшаркан, қўлидаги чивиқни улар ортидан улоқтириб, йигит томонга шундай бир қараш қилдики, Бердимурод туйқусдан тарсаки егандай бир қалқиб тушди.

Сигирини ҳайдаб келган ёшгина жувоннинг қилиғиям уникидан кам бўлмади. Кўпчилик, асосан аёлларнинг нафрати ошкора юзага тепчиб турарди. Энасининг бекорга куйинмаётганини теран идрок этаркан, салдан сўнг эркаклар тўдасида ҳам шу ҳолни сезди. Даврага кейин келиб қўшилган эчкисоқол амаки қўлларини пахса қилганича, ёшлар бузилиб кетди, дея ваъзхонлик қиларди. Бу гапни бошқалар, жумладан, Сувонқул ҳам бош ирғаб тасдиқларди. Бунга сари эчкисоқол баттар авж қиларди: «Бу ҳалиям кам, ўлдириш керак эди буни! Менинг болам бўлганидами, нима қилишни ўзим билардим! Ҳа-да, ўша келинчакнинг ўрнига энасини қўйиб кўрсин, опаси ёки синглисини қўйиб кўрсин... Қалай?! Ҳалиям бўлса аяшибди. Эртан уларнинг тўйига бораримиз бор, азасига қатнашишимиз бор. Айтишмайдими, ўла, баринг деб...»

Эчкисоқол отаси билан урушли, пайтдан фойдаланиб, бор заҳрини тўкиб сочмоқда эди.

Бердимурод тўдага қарамасликка тиришиб, подани даштга қўзғотгач, Сувонқулга биров кўз ташлашдан ўзини тиёлмади. У кеча жарда учратган одамга сира ўхшамас, мўмин ва беозор эди.

— Сен бола, мени зўр маишатдан бебаҳра қолдирдинг-да лекин!

Келинчакни жардан ўтказиб, ортига қайтаётган Бердимурод бехос эшитилган бу садодан чўчиб кетди. От тизгинини торта-торта, теваракка аланглади. Бирор қора илғамагач, қулоғимга чалинди шекилли, деган ўйга борди. Юрагига хавотир иниб, отини қичамоқчи бўлди. Аммо шу пайт жар тубидаги буталардан бири силкиниб кулги овози эшитилади. От ҳуркади. Йигит қамчи дастасини маҳкам сиқиб, ўша томонга тикилади ва бута новдалари орасидан мўралаб турган малла башарани кўради.

— Кимсиз?

Бута новдалари қаттиқ чайқалиб, салдан сўнг унинг қаршисида Сувонқул пайдо бўлди. Елкасида милтиқ, белидаги эски патронташга тулки териси осилган.

У беўхшов тиржаяркан, томоғини ғалати тиқиллатади.

— Ёмо-он халақит бердингда...

Бердимурод ҳеч нарса англамай, унга бошдан-оёқ разм солди. Афтини қўнғир соқол босган бу одам ов баҳонасида доим дала-даштда санқиб юрар, гоҳида тўрт-беш ойлаб йўқолиб қолар, сўнг тўсатдан яна пайдо бўларди. Уйидаги тўртта боланинг ташвиши ёлғиз хотинининг гарданида, бу эр бўлмиш дам-бадам қаерларга йўқолади, не ишлар билан банд, буниси ёлғиз худога аён эди.

— Аммо лекин иккимизга ҳам етарди, — деди Сувонқул юзидаги ифодани ўзгартирмай. — Жарда қимирлайсанми десам... Ё дўнгда ишини битирдингми? Эпладингми ишқилиб? Ўзиям лекин зўр нарса экан! Илкиллаган қуйруққа ўхшайди! Кўкбулоқни аёллари азалдан хушрўй бўлишади. Ўтган йили кузакда биттасини Оқсойда қўлга туширганман. Тезак териб юрган экан. Эримга айтаман, акамга айтаман, дея худонинг зорини қилди. Қайда, қараб турадиган аҳмоқ борми. Айтсанг, уруғингни қуритаман, дея ишини тиндирганман. Айтмади. Қанақа қилиб айтади. Айтса, эрсиз қолади, шармандa-ю шармисор бўлади. Агар халақит бермаганингда, бунисиниям боплардим.

Қишлоқда мулойимгина бўлиб юрадиган бу кимсани энди кўраётгандек Бердимурод анқайиб қолди. Сувонқул ҳунук илжайиб, енгил йўталди-да, буталар ортидаги дўнгга ишора қилди.

— Анову дўнгди боврида тулки пойлаб ётувдим. Қарасам, тепадан бир нарса тушиб келаяпти, ранг-қути учган. Изидан сен. Қаерда ишини тиндира қолдинг-а? Жаргача сабринг чидамабди-да. Бало экансан лекин! Ишқилиб, сасингни чиқарма, деб тайинладингми? Ичимни қиздирмай, гапир тезроқ. Эшитиб ҳам маза қилаверамиз биз!

Бердимурод беихтиёр сермаган қамчи унинг ўнг ёноғини ялаб ўтди. Сувонқул ортига чаққон тисарилиб, қўлидаги яроғини ўнглади. Йигит ўзига ўқталган милтиқдан эмас, Сувонқулнинг важоҳатидан қўрқиб кетди. Қаршисида ўзи билган мўмин одам эмас, ҳеч балодан тап тортмайдиган ёвуз бир кимса еб қўйгудек ўқрайиб турарди.

— Нима қилиқ бу?! — Сувонқул ёмон сўкинди. — Ё қизғанаяпсанми? Агар қизғанаётган бўлсанг, аҳмоқ экансан!

— Мараз! — Бердимурод шундан бўлак гап айтолмади.

Сувонқул бошини бир ён қийшайтириб, унинг афтига синчков тикилди. Сўнг кулимсиради.

— Демак, эплаёлмабсан...

— Сиз...

— Мен... — Сувонқул совуқ ишшайди. — Сувонқул аканг силар ўйлаган одам эмас! Асло ўйнаша кўрма мен билан! Энди эса қорангни ўчир!

Йигит унинг эрмакловчи ҳиринглаши остида жарни тарк этаркан, бу учрашувдан қалби ларзага келди. Кечгача шунинг таъсирида юрди. Келинчакни хаёлан унинг чангалида тасаввур этиб, кузатиб қўйганидан минг бор мамнун бўлди.

Бу кечаги, яъни келинчакнинг хешлари билан юз берган тўқнашувгача бўлган ҳолати эди.

Энди...

У подани қир бетига ёйиб, майсалар устига хомуш ёнбошларкан, на қўлига китоб олди, на ширин хаёлларга толди. Назарида, қуёш ҳароратсиз, тириклик саробдек эди. Қишлоққа қайтмай, номаълум томонларга бош олиб кетмоқни истарди! Лекин қаёққа? У шу ўйда узоқдаги тоғларга боқди, тубсиз осмонга тикилди. Теварагида чуғурлашаётган тўрғайларнинг ҳаракатидан маъни топмай, қарашлари лоқайдлаша бошлади. Даштнинг қирга туташ қисмидаги экинзорга тушган эчкиларни тирқиратганча, узоқдан туриб ўдағайлаган қоровулнинг бақириш-чақиришларига эътибор ҳам бермади. Пинакка кетсаму, қайтиб уйғонмасам, деб ўйлади.

Йигит бийдек даштга маъюс тикилиб, ёнбошлаб ётаркан, кўзига қандайдир қора чалингандай бўлди. Сўнг бу қора эшак минган аёлга айланди. У жарлик томон кетиб борарди.

Бердимурод чуқур хўрсиниб, нигоҳини пастга олди. Ўт-ўланлар орасида ғимирлаётган қурт-қумурсқалар ҳаракатини кузатган бўлди. Сўнг беихтиёр яна аёл томонга қаради. Орада жар тарафга кўз ташлаб олди. Хаёлидан Сувонқулнинг истеҳзоли башараси лип этиб ўтаркан, бу сафар аёлга ташвишли боқди.

Аёл эса бамайлихотир кетиб борарди.

Бирор йигирма дақиқалардан сўнг жарга етади. Тавба, уйида тинчгина ўтирмай, нечун даштда тентиб юрибди бу?! Даштда пиширибб қўйибдими!

Бу ўйлар йигитнинг бўшашган вужудига қайта қувват бағишлагандай бўлди. Ўрнидан сакраб турганини ҳам сезмай қолди. Юрагида ўша таниш корлик ҳисси тағин жунбушга келиб, оти томон илдам юрди.

Отини қичаб, бирпасда аёлга етиб олди.

Аёл сўзамолгина экан, гапга тутинди.

— Ҳа, йўл бўсин, ўлжоним?

— Сизни жардан ўтказиб қўяй, хола... холажон.

— И-и, мени бўри ермиди, болажоним. Ҳай, майли, қайтамга сўйлашибгина кетамиз.

Бердимурод сўзлашмоқни истамади. Аёлдан пича ортда қолиб, уни қоралаб бораверди. Шунда у қуёш тафтини, борлиқнинг ғоят фусункорлигини қайта ҳис эта бошлади. Тагидаги оти эса, одатдагидан кўра тузукроқ йўрғалаётгандек эди.

Анвар ОБИДЖОН

# ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

### УЧГА УЧ

Олтиариқликлар асосан уч нарсадан мўмайроқ фойда кўрадилар — маҳсулот етиштириб сотишдан, ёввойи ўрдакни отишдан, меҳмонга бориб ётишдан.

Олтиариқликлар асосан уч нарсадан кўпроқ зиён кўрадилар — экинга тушган ширадан, қарзини узмайдиган жўрадан, меҳмонга келган «хўра»дан.



— Қаранг-а, устоз, битта олтиариқлик бодрингни пулга олиб еганмиш...

### ШАРОБ ВА МИЛТИҚ

Касалхонада даволанаётган Одил акага дўхтир бундан буён спиртли ичимликларга яқин йўламасликни тайинлабди. Одил аканинг бу гапдан капалаги учиб: «Нима?! Умуман ичмаслигим керакми?» — деб наъра тортган экан, унинг овчиликка ҳавасмандлигини яхши билган дўхтир: «Жуда қўмсаб қолсангиз, ана борингки, овга чиққан пайтда оз-моз ичишингиз мумкин», деб сал ён берибди.

Одил ака соғайиб қайтгач, яна шаробхўрликни кунига давом эттираверибди. Аввалгидан фарқи шуки, энди у уйда ҳам, меҳмондорчиликда ҳам милтиқ тақиб ўтириб ичадиган бўлибди.

### ДЕҲҚОНЧА ЖАВОБ

Олтиариқликни саволга тутишибди:

— Турупни етиштириш осонроқми, бодрингними?

Олтиариқлик сирли сузилиб жавоб қилибди:

— Юк ортилган туядан «барханда тепага чиқиш осонми, пастга тушишми», деб сўрашибди. Шунда туя «тепага чиқишниям энасини ўпай, пастга тушишниям», деган экан. Мана шунақа!..

### ШУҲРАТ ДОМЛАНИНГ «МАҚТОВИ»

Ўтган асрнинг 70-йилларида кўпи қўшиққа айланган лирик шеърлари билан довруғ қозонган Шуҳрат домла депутатликка номзод бўлиб Олтиариққа борганида, кишилар сайловчи сифатида эмас, ижодкорнинг мухлиси сифатида ёпирилиб келишиб, учрашув ўтказилаётган улкан залани тошириб юборишганини кексалар ҳануз завқланиб эслашади.

Туман газетасида гоҳ ўн-ўн беш сатрли хабарлари, гоҳ замона ва меҳнат илғорларини шарафловчи «тўртлик»лари кўриниб турувчи кексароқ жамоатчи мухбир бўларди. Учрашувдан сўнг, у Шуҳрат домланинг олдига бориб, қўлига шеърий дафтарини тутқазибди.

— Шеърларимни ўқиб, ҳар ким ҳар хил фикр билдиради, — дея «камтаринланиб» гап бошлабди у. — Бири мени мавлоно Асқад Мухторга қиёсласа, бошқаси мавлоно Шайхзодага ўхшатади. Шу масалага ўзлари ойдинлик киритиб берсалар, дегандим.

Шуҳрат домла дафтардаги шеърларга бир-бир кўз ташлаб чиққач, муаллифнинг елкасига дўстона уриб қўйиб, мулойимлик билан шундай дебди:

— Жудаям ўзига хос шоир экансиз, тақсир. Ёзганларингизни ўқиб, сизни мавлоноларнинг бирортасигаям ўхшатмадим.

### ОҒЗАКИ РЕКЛАМА

Олтиариқдаги кабобчиларнинг энг қўли ширини раҳматли Малик ака эди. Бунинг сирини билмоқчи бўлганларга у: «Ҳамма гап зира-зирвакни меъёрида қўшиб, гўштнинг селига яхшилаб сингдиришда», дерди-ю, батафсил гапириб ўтирмасди.

Малик аканинг ичкиликка майли кучлироқ эди. Масаллиғни тайёрлаб бергач, эрталабданоқ «отиб» олиб, бир четда лола-лола бўлганича сузилиб ўтираверар, қолган ишни ўғли бажарарди. Ишга ҳам, гапга ҳам чечангина бўлган ўғил эса, кўрадаги кабобни елпиётиб, ўтган-кетганларга қитмирона қичқириб қўярди:

— Кепқолинг! Кабоб ҳам тайёр, дадам ҳам тайёр!

### ХЎЛФУРУШЛИК

Олтиариқда донгдор узумчилар кўп. Абдулла-қизиқ шулардан биттаси.

Бир куни у тижорат баҳонасида ҳаво янгилаб келишга аҳд қилиб, машинасига ўн яшиқ узум босибди-ю, «ҳайё-ҳуйт» деб Марғилонга жўнабди. Бозорга бориб, ҳали яшиқларини очиб-очмасидан, «савдоси юришиб» кетибди. Кўпчиликка таниш бўлгани учун, биров: «Э, бормилар, акахон», деб, бошқаси: «Ўзиям соғиниб кетувдик-да, қадрдоним», дея у билан қучоқлашиб кўришаверибди. Бунақа харидорлардан пул олишга кимниям бети чидарди? Қизиқчининг ўн яшиқ узумидан тўққиз яшиғи «қадрдон»ларни сийлашга кетиб, топганим лоақал бензин пулини кўтариб қолармикан, дея ўйланиб турганида, ёнидаги олмафуруш: «Худо берган йигитсиз-да, Абдуллажон, қаёққа борманг, ҳамма таниш-билиш», деб ҳавас қилган бўлибди.

Шунда Абдулла қизиқ дебди:

— Ҳа, таниш-билишнинг кўплиги жуда катта бахт... агар узум сотмасанг...

### ЖЎЯЛИ БИТИМ

Уйига тунги соат учларда қайтган Нозим акага хотини какира-как сайрай кетибди:

— Шу маҳалгача қаёқларда санғиб юрибсиз? Илҳақ бўлиб, ухломай ўтирибман! Хурмача қилиқларингиздан тўйиб кетдим! Бўғзимга келди — мана бундоқ бўп кетдим!..

Нозим ака хотинининг шаштини босиш учун тезда ўзини оқлашга тутинибди:

— Олдин аҳволни сўрасанг-чи, хотинжон... Ишдан келаётсам, мулла Чирматнинг томида ётган эски жом шамолда учиб, бетимга урилди, кўзойнагимни мажақ қилди. Шуни пулини ундираман деб, мулла Чирмат билан саккиз соат олишдим-а!

— Охири нима бўлди, охири?!

— Охири... келишдик. Мулла Чирмат, хотининг жуда тажанг, бу кетишда юраги узоққа чидамайди, деди. Хотинсиз қолиб, янгисига уйланадиган бўлсанг, шу кўзойнакнинг ҳурматидан текинга никоҳ ўқитиб қўяман, деб эркакча сўз берди...

### ИККИ ОЛТИАРИҚЛИК

— Ҳа, қаёқдан?

— Бозордан. Сигиримни сотиб, манави эшакни олдим.

— Эшакни нима қиласан?

— Даладан сигирга хашак ташийман.

— Ие! Сигиримни сотдим, деяпсан-ку?

— Бир қишга етадиган хашакни жамғарволай. Кейин эшакни сотиб, яна сигир олавераман-да, ошна.

### ЯНА УЧГА УЧ

Олтиариқликларни қувонтирадигани — тўйда кийдирилган чопон, қўйларни бодрингпўчоқ билан боқадиган чўпон, эрига туруп опкелишни тайинлайдиган жувон.

Олтиариқликларни аччиғлантирадигани — тиш ўтмайдиган бодам, ошга туруп қўшиб емайдиган одам, бодринг бозорига яқин йўламайдиган мадам.



Жаҳонгир МИРЗО чизган суратлар.

## Дунё — кенг...



### ЭҲТИМОЛ ТУТИЛАЁТГАН ХАВФ

**2029 йил 13 апрел, жума инсоният тарихида энг сўнгги кун бўлиши мумкин. Калифорниялик бир гуруҳ олимлар шундай огоҳлантирувчи чиқиш қилишди. Улар Ерга томон ҳаракатланаётган улкан астероидни аниқлашган.**

Астрономлар «2004 МН4» деб аталувчи бу объектга ўтган йилнинг охирида эътибор қаратишган ва унинг сайёрамиз билан тўқнашуви эҳтимолини 1:170 деб баҳолашганди. Энди эса, қўшимча ҳисоб-китоблардан кейин, бу эҳтимол 1:38 гача ўсди.

Олимларнинг фикрича, йигирма тўрт йилдан кейин астероид 20 мингдан 40 минг километргача бўлган масофада Ернинг ёнидан учиб ўтаркан. Бу масофа сайёрамиз билан Ой орасидаги масофадан ўн марта кичик. Ҳозирча бундан аниқроқ рақамни айтишнинг иложи йўқ, шунингдек, «2004 МН4» астероиди Ернинг гравитацион майдонида қандай ҳолатда ҳаракатда бўлишини ҳам башорат қилиб бўлмайди, дейишмоқда олимлар.

Тўқнашув рўй берадиган бўлса, астрономларнинг таъкидлашича, ўн минг мегатонн куч билан портлаш содир бўлади. Бу эса ҳозир Ердаги жами ядровий қуролларнинг бир пайтда портлашидан ҳам ошиб тушаркан. Портлаш чоғида бир неча минг километр радиусдаги тирик жон йўқ бўлади. Бироқ энг катта хавф портлашдан кейин рўй беради. Астероиднинг қулаши беҳад катта миқдордаги чанг-тўзонни атмосферага кўтаради, бу тўзон бир неча йил Қуёшни Ердан бекитиб қўяди. Сайёрамизда кичик муз даври бошланади.

Айни пайтда, мутахассислар бу астероид Ердаги ҳаётга нуқта қўйиши мумкинлигига шубҳа билан қарашаётир. Бундан олтмиш беш миллион йил олдин рўй берган ва динозаврларнинг қирилиб кетишига олиб келган ҳалокатлар такрорланмаса керак, дейишмоқда улар. Шунга кўра, олимлар астероид хавфини «эҳтимол тутилаётган хавф» сифатида таснифлашган.

Ҳозир астрономларнинг бутун диққат-эътибори мавжуд маълумотларга аниқлик киритиш, янгиларини йиғишга қаратилган. Бу ҳаракатлар 2029 йил 13 апрел, жума куни қандай ҳолат рўй бериши мумкинлигини юқори даражада аниқлик билан айтишга имкон яратади.

### ШОВ-ШУВГА ҲОЖАТ БОРМИ?

**«Шу кунларда жаҳон бўйлаб ҳозиргача номаълум бўлган Йуда баён этган Хушхабар топилгани ҳақидаги хабар тарқалди», деб ёзади «Труд» газетаси. Буни Maccenas қадимий санъатни асраш жамғармаси директори Марио Жон Роберти баён этган. Унинг айтишича, матн олтмиш икки кўҳна папирус варағига копт лаҳжасида битилган. Ҳозир Швейцарияда унинг европа тилларига таржимаси устида турли мамлакатлардан келган мутахассислар ишлашаётир.**

Бу ишни молиялаштирган Жамғарма директорининг айтишича, кўҳна матн 2006 йили эълон қилинади. Ҳозирча унинг мазмуни сир сақланаётир. Бироқ айни топилма атрофида турли-туман, жумладан, бу кашфиёт христианлик ҳақида қарор топган айрим тасаввурларни ўзгартириши мумкин, деган гап-сўзлар ҳам айтилди.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, бу шов-шувлар кўпроқ матнни тиклаш учун олинган маблағларни оқлаш баҳонасидаги ҳаракатлардир.

Православ энциклопедияси ва Россия Катта энциклопедияси раҳбари С.Кравецнинг «Труд» газетасига берган интервюсида таъкидланишича, бундай апокрифлар кўп. Турли архивларда олиб борилаётган ишлар давомида эрамизнинг биринчи асрига доир яна анчагина матнлар топилди. Бироқ топилган матннинг аҳамияти ҳақида уни тўла ўқигандан кейингина гапириш мумкин. Бунинг учун улкан матншунослик, тарихшунослик ва филологик ишлар амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Тўлқин Эшбекка онаси

**ХУРСАНД** ая

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

*Чойхона илҳомлари*

## БЎЛИШИ МУМКИНМИ?

***Лофсиз реклама.***
***Кўнгли бўш солиқчи.***
***Ортиб қоладиган маош.***
***Ақлли чаласавод.***
***Жозибали тарсаки.***
***Ёқимли мушт.***
***Уятчан отарчи-раққоса.***
***Йиғимдан урмайдиган паттачи.***
***Сувоқчини мақтайдиган бўёқчи.***
***«Гаҳ» деса келиннинг қўлига қўнадиган қайнона.***
***Шоли баҳонасида сув ичмайдиган курмак.***
***Стадионда бақирмайдиган ишқибоз.***
***Онаси ўпмаган қиз.***
***Мол гўшти аралашмаган қази.***
***Поранинг йил ошиси.***
***Ичи қораймаган бахил.***
***Қайтим беришда янглишмайдиган официант.***
***Семизликни кўтара олмайдиган қўй.***
***Хато ўтказмайдиган корректор.***
***Қичимайдиган кафт.***
***Тор келиб қолмайдиган шим.***
***Аскияга аралаштирилмаган тана аъзоси.***
***Умрида бир марта бўлсин олма-кесак термайдиган кўз.***
***Қиймайдиган қайчи.***
***Суякли тил.***
***Керак гапни эшитмайдиган қулоқ.***
***Арзон дори.***
***Ёқимсиз ўпич.***

## ТЎҚИЛМАГАН ТЎҚИМАЛАР

Эр кечки таомдан сўнг китоб ўқир, турмуш ўртоғи эса журнал варақлаб ўтиришарди. Бир пайт эр «Ё тавба, сира эшитмаган эканман», деб қолди.

— Нимани адаси? — қизиқсиниб сўради турмуш ўртоғи.

— Мана бу китобда ёзилишича, чиройли ва ақлли хотинлар ўта хавфли бўлар эмиш.

Хотин оролaниб деди:

— Қизиқ, унда наҳотки мен... ўта хавфли бўлсам?

— Асло! — эътироз билдирди эр. — Сиз чиройлисиз, холос.

* * *

Гавжум бозорда бир тижоратчи ҳамёнини йўқотиб қўйди. Кўринган кишидан «Мабодо ҳамён топиб олмадингизми?» деб сўрай бошлади. Аравакашлик қилиб юрган ўспирин йигитлардан бири аввалига у бечорани бироз кузатиб турди-да, сўнг олдига келиб жиддий сўради:

— Ака, ҳамёнингизни йўқотиб қўйдингизми?

— Ҳа, йўқотдим.

— Ичида пули ҳам бўлса керак? — қизиқсинди аравакаш бола.

— Бўлганда қандоқ? Роппа-роса юз минг сўм эди-я.

— Мингталикмиди?

— Худди шундай, — суюниб кетди пулини йўқотган киши, — топиб олган бўлсангиз...

— Бели синмаган, яп-янги мингталиклар-а...

— Жон ука, юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти...

— Суюнчиси борми?

— Топиб берган кишига нақд ўн минг сўм бераман.

— Ўн минг сўм?

— Бор, ана ўн беш минг сўм. Хўш?

— Эҳ, — деди аравакаш бола чуқур хўрсиниб. — Топиб олганимда борми, ўн беш кун мазза қилардим-а...

А.ОҒАЛИЕВ

## УЛУҒ ШОИР

*Митти ҳажв*

Коллежга яқинда ишга келган директор ўринбосари ҳузурига чақирди, бордим. Ўриндиқда салобат билан ўтирарди. Саломимга наридан-бери алик олгач, сўзига амирона тус бериб, ўтиришга ҳам таклиф қилмай гап бошлади.

— Абдуллаев, бу йил Жалолиддин Мангубердининг неччи йиллиги нишонланади. Хабарингиз борми?

Тўғриси, бехабар эдим, аммо сир бой бермадим.

— Ҳа, ҳа домла, хабарим бор, — дедим ялтоқланиб.

— Неччи ёшга киради ўзи? — янада салмоқлаб сўради у .

— Билмадим домла, аниқлайман, – дедим гуноҳкорона оҳангда.

— Билмайсиз? Қанақа тилчисиз? Сизни ким ўқитган ўзи-а, тезда дурустроқ талабалардан тўрт-бештасини топиб, Мангубердининг шеърларидан ёдлатинг, юбилей қиламиз.

Бу гапдан кулгим қистаса-да, ўзимни босиб Мангубердининг шеър ёзмаганлигини айтдим.

— Шеър ёзмаса, ғазал ёзгандир, — деди у менинг гумроҳлигимдан фиғони фалакка чиқиб.

— Ғазал ҳам ёзмаган.

— Бирорта асаридан парча қўйинглар бўлмаса, бошқармадан вакил келади. Шарманда қилманглар, боринг, ишга киришинг.

Ташқарига чиқдим. Ўринбосар ғудранишда давом этарди:

— Шундай улуғ шоирнинг туғилган кунини билмайди-я! Эҳ, ҳозирги кадрлар...

Ориф ҲОЖИ

## ШПАТЛЁВКА...

### Хушовоз хонанда ва таниқли киноактриса Ялло Яшарова билан суҳбат.

**— Ялло опа, аввало хуш келибсиз. Радио тингловчиларимиз бир неча йилдан бери бизга тинимсиз қўнғироқ қилишиб «Ялло опамиз анчадан бери кўринмай қолдилар, қаерларда юрибди эканлар», дея холи-жонимизга қўйишмаётган эди, келганингиз зап иш бўлди-да...**

— Ҳа, келганимдан ўзим ҳам хурсандман. Энди укажон, нимасини айтай, қўшиқчиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бўлар экан. Яхши қўшиқ яратиш учун битта-иккита ҳомий камлик қилар экан. Қаранг, туппа-тузук йилига уч-тўрттадан қўшиқ куйлаб юрган эдим. Кутилмаганда ҳомийларнинг иши чаппасидан кетди. Фирмани налоговой босди. Налоговой босса ёмон босар экан. Бунинг устига, оилали бўлганингдан кейин фарзанд кўришни ҳам ўйлайсан-да. Катта қизим ҳадемай тўрт ёшга тўлади, кейингиси атак-чечак қилиб қолди.

**— Э, шунақа денг, оналик гаштини суриб юрган экансиз-да.**

— Шунақа, укажон. Болаларни боғчага бериб, саҳнага қайтай, қўшиқ айтишни унутвормайин, дея энди тайёргарлик кўра бошлаганимда, поччангиз қурилиш бошлаб юбордилар. Уста боқишнинг ўзи бўлмас экан. Ҳар куни уч маҳал овқат, денг. Бунинг устига, қурилиш материаллари бирам қиммат. Ҳали у бозорга борамиз, ҳали бу бозорга. Тинка-мадоринг қуриб кетар экан...

**— Янглишмасам, бундан роппа-роса олти йил аввалги суҳбатимизда тижорат борасида ҳам ўзимни синаб кўрмоқчиман, деган эдингиз...**

— Яхши эслатдингиз. Савдо-сотиққа ёшлигимдан қизиқаман. Ота-онам, бобом савдогар ўтишган. Ота-она йўлини тутган асло кам бўлмайди, дейишади-ку, шуни ўйлаб яхши ниятда бир иш бошлаб қўйганмиз.

**— Бирор маҳсулот ишлаб чиқарасизларми?**

— Кир совун чиқарамиз. Хомашёни ёғ-мой комбинатидан оламиз. Билсангиз, бир арава ташвиш. Баъзан тўхтаб қолади. Ишчиларга маош беришимиз керак...

**— Маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмадингларми?**

— Ҳаракат қилдик. Шпатлёвка чиқариш арафасидамиз. Укажон, биласизми-йўқми, бизнинг шпатлёвка энг зўри бўлади. Самарқанднинг Жомидан мармарнинг қириндисини олиб келамиз. Фурсатдан фойдаланиб, радиотингловчиларга айтиб қўймоқчиман — бизнинг «Хонанда-Ҳомий» корхонамизда ишлаб чиқариладиган шпатлёвкадан харид қилсангиз, асло ютқазмайсиз...

**— Қўлингиздаги сумкани кўриб ҳайрон бўлиб турибман...**

— Айтдим-ку, фирма очганингдан кейин икки оёғингни қўлингга олиб югурмасанг бўлмас экан. Эрталаб «Отчопар»га ўтувдим. Шпатлёвкага қўшадиган янги елим чиқибди. Бир вақтлар мен билан бирга қўшиқ куйлаб юрган хушовоз дугоналаримдан бири ишлаб чиқараётган экан. Намунага олдим. Қани, қўшиб кўрайликчи.

**— Ялло опа, мухлисларингиз сизни таниқли киноактриса сифатида ҳам эслашади. Аммо кейинги пайтларда кино экранларида ҳам кўринмай қолдингиз...**

— Кинодаги биринчи ролимни яхши эслайман. Ўтган асрнинг охирлари эди. Бир куни таниқли кинорежиссёрлардан бири уйимизга меҳмон бўлиб келиб қолди. Мен меҳмонларга чой ташиб турдим. Шу сабаб бўлдими, дадажонимнинг илтимосларига биноан мени «Ҳовли» филмидаги кичик бир ролга таклиф этишди. Қўлимдан келганча маҳорат билан ўйнадим. Иккинчи ролим ҳам айни шунақа эди. Афсус, монтаж пайти қирқилиб кетибди.

**— Яна қанақа ролларда ижро этгансиз?**

— Худо хоҳласа, шпатлёвкамиз ўтиб турса, кинога яна қайтиш ниятим бор.

**— Энди қўшиқчилигимиз муаммоларига ўтсак. Ҳозир сизга ўхшаган истеъдодли, хушовоз хонандалар жуда ҳам кўп. Айтингчи, ижодий рақобатдан қўрқмайсизми?**

— Тўғрисини айтсам, салпал қўрқаман. Мисол келтирадиган бўлсам, корхонамизда шпатлёвка ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлганимиздаёқ бу иш билан яна беш-олти киши шуғуллана бошлашди. Ҳушёр бўлмасанг, синдириб ташлашади.

**— Мухлисларингизга янги қўшиқларингиздан бирини куйлаб берарсиз...**

— Э, бозорда бақир-чақир қилаверганингдан кейин овозинг ҳам дағаллашиб кетар экан. Туппа-тузук одамлар кир совунни фарқига боришмайди-я.

**— Мана, қизиқарли суҳбатимиз ҳам охирлаб қолди. Анъанавий савол — ижодий режаларингиз...**

— Кўп бола туғиш ниятим йўқ. Ҳозирча шу иккита фарзандимни тарбиялаб вояга етказмоқчиман. Ишқилиб бозоримиз юриб турса бўлди. Шпатлёвкадан кейин яна бирор нарсага қўл урармиз.

**— Раҳмат опа. Энди, азиз тингловчилар, хушовоз хонанда, миллий эстрадамизнинг умидли юлдузларидан бири Ялло Яшарова бир вақтлар зўр маҳорат билан ижро этган «Сени эслайман» қўшиғини эшиттиришга қўямиз. Ялло опамизга эса қўшиқчиликда, кинода ва, айниқса, тижорат ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз. Хайр, саломат бўлинглар. Эслатиб ўтамиз: яхши шпатлёвка уйнинг чиройи, жоннинг роҳати!**




Суҳбатдош М.АҲМЕДОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Навбатчи — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 353. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Адади — 5280